

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MEХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**262** Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 16 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1965-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сон «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 27 майдаги 27/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 1965, 2009 йил 11 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 24-сон, 277-модда) билан тасдиқланган Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. ХАЙТОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 25 апрель,  
25-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси  
меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирининг 2013 йил 25 апрелдаги  
25-Б-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Почта ва телекоммуникация ходимлари учун махсус  
кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш  
воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. IV бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳа-  
си ташкилотларининг умумий касбдаги ходимлари учун».
2. V бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси  
тасарруфидаги таълим муассасаларининг ишчи ва  
хизматчилари учун».**

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси  
Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телеком-  
муникация технологиялари давлат қўмитаси билан келишилган.

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

*Т. НАРБАЕВА*

*2013 йил 25 апрель*

*Алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари  
давлат қўмитаси раиси*

*Х. МИРЗАХИДОВ*

*2013 йил 25 апрель*